

# Пайғамбаримизнинг никоҳ ва турмуш ҳаётидаги суннатлари

«Ҳадию Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам фи ибадатиҳи ва муъамалатиҳи ва ахлақиҳи» китобидан иқтибос

[ Ўзбекча – Uzbek – اُزبکي ]



**Доктор Аҳмад ибн Усмон ал-Мазяд**



**Мутаржим: Абу Абдуллоҳ Шоший**

**Мұхаррир: Абу Мұхаммад Али Бухорий**

# هدیه صلی اللہ علیہ وسلم فی النکاح والمعاشرة

مقالة مقتبسة من كتاب هدي محمد صلى الله عليه وسلم في عبادته ومعاملاته وأخلاقه

[ Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي ]



د. أحمد بن عثمان المزيد

۴۳۷

ترجمة: أبو عبد الله الشاشي

مراجعة: أبو محمد علي البخاري

## 14- Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг никоҳ ва турмуш ҳаётидаги суннатлари<sup>1</sup>

1- Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан келган ушбу ҳадислар сахихдир:

“Менга сизларнинг дунёдан аёллар ва хушбўй нарсалар суюкли қилинди. Кўз қувончим эса намозда қилинди” (Насойи ривояти).

“Эй ёшлар жамоаси, сизлардан ким никоҳга қодир бўлса, бас, уйлансин!” (Муттрафақун алайх).

“(Эрини) яхши кўрадиган ва туғадиган аёлларга уйланинг!” (Абу Довуд ривояти).

2- Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам аёлларига яхши муомала қилиб, чиройли турмуш кечирав эдилар. Айтар эдиларки: “Сизларнинг яхшиларингиж ўз аҳли-аёлига яхши бўлганингиздир ва мен ўз аҳли-аёлига энг яхши бўлганингизман” (Термизий ва Ибн Можа ривояти).

3- Аёлларидан бири қайтарилмаган бирон нарсанни истаса, уларнинг кўнглига қаардилар.

Ансорларнинг қизларини (хотинлари) Оиша билан бирга ўйнашлари учун жўнатар эдилар. Оиша бир идишдан (сув ёки сут) ичса, у зот идишни олар ва у оғзини қўйган жойга оғзини қўйиб ичар эдилар. Оишанинг қўйнига бошларини суюган ҳолда Куръон ўқир эдилар. Баъзан Оиша хайзли бўлар,

---

<sup>1</sup> Зодул-маод (1/154).

унга изор ўраб олишни буюарар ва у билан мубошара<sup>2</sup> килар эдилар.

- 4- Аср намозини ўқигач, аёлларини айланиб чиқар, уларга яқинлашар, ахволларини сўрадилар. Кечаси бўлганда навбати келган аёлининг уйига келиб, кечани факат унинг ёнида ўтказар эдилар.
- 5- Тунаш, ёнида бўлиш ва нафақани аёллари орасида тенг тақсимлар эдилар. Баъзан бошқа аёлларининг олдида улардан бирига қўлларини узатар эдилар<sup>3</sup>.
- 6- У зот аёлига кечанинг бошида ҳам, охирида ҳам яқинлашарди. Агар кечанинг бошида яқинлашса, баъзан ғусл қилиб ухласалар, баъзан таҳорат қилиб ухлар эдилар.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Хотинининг орқасига (яъни, орқа авратига) яқинлик қилган киши малъун (яъни, лаънати)дир”, дедилар (Абу Довуд ривояти).

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Сиздан бирингиз аёлига қўшилмоқчи бўлса, “Аллоҳумма жаннибнаш-шайтона ва жаннибиш-шайтона мо розақтана”, (мъноси: “Эй Аллоҳ! Биздан ва бизга ризқ қилиб берадиганинг (фарзанд)дан шайтонни йироқ қил”, деса, агар бунда уларга фарзанд тақдир қилинган бўлса, у (бола)га шайтон ҳеч қачон заар бермайди”, дедилар (Бухорий ва Муслим ривояти).

- 7- Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “Агар бирортангиз уйланса ёки хизматкор ёда улов сотиб олса, унинг пешонасидан ушлаб (пешонасига қўлини қўйиб, тия бўлса, ўркачига қўлини қўйиб), барака тилаб Аллоҳга дуо қилсин, Аллоҳ азза ва жалланинг исмини айтиб, қуйидагича дуо қилсин:

<sup>2</sup> Либос устидан яқинлашмоқ.

<sup>3</sup> Зодул-маод (1/194).

«Эй Аллоҳ! Мен Сендан унинг ва унга (туғма) табиат қилиб берган нарсангнинг яхшилигини сўрайман. Унинг ва унга табиат қилиб берган нарсангнинг ёмонлигидан паноҳ беришингни сўрайман» (Абу Довуд ва Ибн Можа ривояти).

- 8- Уйланган кишига шундай дуо қиларди: “Баракаллоҳу лака, ва барока алайка, ва жамаъ байнакумо ала хойр”, (маъноси: “Аллоҳ сизга бу никоҳни баракотли этсин. Аллоҳ сизга баракотлар ёғдирсинг ва иккингизнинг ўртангизни яхшилиқда жамласин”) (Абу Довуд, Термизий, Насойи ва Ибн Можа ривояти).
- 9- Агар сафарга чиқмоқчи бўлсалар, аёллари орасида куръа ташлар, куръа қай бирига чиқса, ўша аёли Пайғамбар алайҳис-салоту вас-салом билан бирга кетар, қолган аёлларига эса ўрнига бирон кун ўтаб бермасдилар.
- 10- Уйларга, уйларнинг қурилишига, баландлатилишига, безанишига-ю кенгайтирилишига эътибор бермасдилар.
- 11- Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам (ўрни келганда аёлларидан бирига) талоқ берганлар ва қайтариб ҳам олганлар, аёлларига бир ой ийло<sup>4</sup> қилдилар, лекин ҳеч қачон зихор<sup>5</sup> қилмадилар.

<sup>4</sup> Ийло — эрнинг ўз хотинига яқинлашмасликка қасам ичиши ва яқинлашмаслиги.

<sup>5</sup> Зихор — эрнинг ўз хотинини онаси ёки никоҳига олиб бўйлмайдиган яқинига ўхшатиши.

